
“ТУРОН” - Суперлига-2023 иштирокчиси!!!

Бугун Яйпандаги “Ўзбекистон” ўйингоҳида Суперлигага ўтиш ўйинида Про лигада 3-ўринни эгаллаган «Турон» Суперлигада 12-ўридан жой олган «Локомотив»га қарши саф тортди.

Мурасасиз кечган баҳсинг 1-бўлимида мезбонлар ҳужумчиси Хумоюн Муртазов ҳисобни очган бўлса, пойтахтликлардан Санжар Қодирқулов фарқни йўққа чиқарди – 1:1.

76-дақиқага келиб ўнг қанотдан узатилган тўпни Сардор Абдунабиев «темирўлчилар» дарвозасига йўллаб, яқунда жамоасига Суперлигага йўлланма олиб берди – 2:1.

Шу тариқа, «Турон» бир йиллик танаффусдан кейин Суперлига-2023га йўлланмасини қўлга киритди!

Севимли жамоамизнинг барча аъзоларини, азиз тумандошларимизни, қадрли футбол ишқибозларини ушбу ғалаба билан қутлаймиз! "Турон" жамоасига келгуси мавсумда улкан омадлар ёр бўлсин!





2022-11-25 17:55:29